

## ТИББИЁТДА ҚҮЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА РИНОМАКС® ХОТ

**Ушбу йўриқномани дорини қабул қилишни бошлашдан олдин дикқат билан ўқиб чиқишингизни илтимос қиласиз. Унда Сиз учун муҳим маълумотномалар мавжуд.** Қўллаш бўйича маълумотни тутувчи ушбу қўлланишига доир йўриқномани сақлаб кўйинг, чунки кейинчалик Сиздан уни яна бир бор ўқиб чиқишга зарурат туғилиши мумкин.

Илтимос, хар қандай қўшимча маълумот ёки маслахатни олиш учун ўз шифокорингиз ёки фармацевтга мурожаат қилинг.

Сизнинг шифокорингиз ушбу дори препаратини шахсан Сизга буюрган. Уни Сиз бошқа шахсларга бериб юборманг. Препарат, ҳаттоқи уларнинг касаллик симптомлари Сизники билан ўхшаш бўлса ҳам, уларга зиён етказиши мумкин.

**Препаратнинг савдо номи:** Риномакс® Хот

**Таъсир этувчи моддалари (ХПН):** парацетамол, фенилэфрин, хлорфенирамин, аскорбин кислотаси.

**Дори шакли:** ичга қабул қилишга эритма тайёрлаш учун кукун

**Таркиби:**

**1 пакетча қуидагиларни сақлайди:**

**фаол моддалари:** парацетамол – 325 мг; фенилэфрин гидрохлориди – 10 мг; хлорфенирамин малеати – 20 мг; аскорбин кислотаси - 50 мг.

**ёрдамчи моддалари:** натрий цитрати, олма кислотаси, сувсиз лимон кислотаси, дикалсий фосфат, қанд, лимон ароматизатори, апельсин ароматизатори, қорағат ароматизатори, “куёш шафағи” бўёқ, хинолин сариқ бўёғи, қизил кармуизин бўёғи, , кўк ялтироқ бўёғи.

**Таърифи**

Ўзига хос хидли оқ рангдан енгил қовоқрангача бўлган кукун. Кукунда оқ рангли кристаллар ва енгил сепилувчан қумоқ-қумоқлар мавжуд бўлиши мумкин. Кукун 250 мл иссиқ сувда ўзига хос апельсин ҳидли қовоқ рангли опалесценцияловчи эритма ҳосил қилиб эрийди.

Ўзига хос ҳидли оқ рангдан енгил оч сариқ рангача бўлган кукун. Оқ рангли кристаллар ва енгил сепилувчан қумоқ-қумоқлар мавжуд бўлиши мумкин. Кукун 250 мл иссиқ сувда ўзига хос лимон ҳидли оч сариқ рангли опалесценцияловчи эритма ҳосил қилиб эрийди.

Ўзига хос ҳидли оқ рангдан енгил пушти рангача бўлган кукун. Оқ рангли кристаллар ва енгил сепилувчан қумоқ-қумоқлар мавжуд бўлиши мумкин. Кукун 250 мл иссиқ сувда ўзига хос қора қорағат ҳидли сиёҳ рангли опалесценцияловчи эритма ҳосил қилиб эрийди.

**Фармакотерапевтик турухи:** Ўткир респиратор касаллклар (ЎРК) белгиларини бартараф этиш учун восита. Парацетамол бошқа дорилар билан биргаликда (психотроп дорилардан ташқари)

**АТХ коди:** N02BE51.

**Фармакологик хусусиятлари**

**Фармакодинамика**

Таъсири таркибида киравчии моддалар билан асосланган мажмуавий препарат тиситмани туширувчи, яллиғланишига қарши, шишга қарши, оғриқни қолдирувчи, аллергияга қарши, томир торайтирувчи восита, «шамоллаш» симптомларини йўқотади. таъсиirlарга эга.

**Парацетамол** марказий асаб тизимида простагландин синтезини бостириш орқали оғриқни қолдирувчи, иситмани туширувчи модда. Бу тромбоцитлар функциясига ва гемостазга таъсири қилмайди.

**Хлорфенирамин мәлеат** десенсибилизация қилувчи (антигистамин) таъсир, H1-гистамин рецепторлари блокатори, аллергияга қарши восита.

**Фенилэфрин** – симпатомиметик, қон томирларни торайтирувчи таъсир кўрсатади (алфа1-адренергик рецепторларнинг стимуляцияси туфайл), бурун шиллиқ қаватининг шишиши ва гиперемиясини камайтиради

#### **Аскорбин кислотаси**

"Шамоллаш" ва гриппда, айниқса касалликнинг бошлангич босқичларида С витаминига бўлган еҳтиёжни тўлдиради

### ***Фармакокинетикаси***

#### **Парацетамол**

##### ***Сўрилиши ва тақсимланиши***

Меъда-ичак йўли (МИЙ) дан тез ва деярли тўлиқ сўрилади. Организм суюқлиларида тақсимланиши нисбатан бир текис. Ичга қабул қилингандан кейин плазмада  $C_{max}$  кўрсаткичига этиши учун 10-60 дақиқа сарфланади. Йўлдош тўсиқдан ўтади, кўкрак сути билан ажралади. Даволаш концентрацияларда плазма оқсиллари билан бироз боғланади, лекин концентрацияси кўтарилганда ошади.

#### ***Метаболизми***

Асосан жигарда бир нечта метаболитлари ҳосил қилиб метаболизмга учрайди.

#### ***Чиқарилиши***

Даволаш дозаси қабул қилинганда  $T_{1/2}$  2-3 соатни ташкил қиласи. Препаратнинг асосий қисми жигарда конъюгацияга учрагандан кейин чиқарилади. Ўзгармаган ҳолда қабул қилинган парацетамолнинг 3 % кўп дан бўлмаган миқдори чиқарилади.

#### **Фенилэфрин гидрохлорид**

##### ***Сўрилиши ва метаболизми***

МИЙ дан яхши сўрилмайди ва ичакларда ва жигарда биринчи ўтиши мобайнида МАО таъсири остида метаболизмга учрайди. Фенилэфрин ичга қабул қилинганда унинг биокираолишлиги чегараланган бўлади. Плазмадаги  $C_{max}$  кўрсаткичига эришиш учун 45 минутдан 2 соатгача вақт сарфланади.

#### ***Чиқарилиши***

Буйраклар орқали пешоб билан деярли тўлиқ сулфатли бирикмалар кўринишида чиқарилади.  $T_{1/2}$  2-3 соатни ташкил қиласи.

#### **Хлорфенирамин мәлеат**

##### ***Сўрилиши ва тақсимланиши***

Фенираминнинг плазмадаги  $C_{max}$  кўрсаткичига эришиши учун 1-2,5 соат сарфланади.

#### ***Чиқарилиши***

Фенираминнинг  $T_{1/2}$  - 16-19 соат. Қабул қилинган дозанинг 70-83 фоизи организмдан метаболитлар кўринишида буйраклар орқали пешоб билан ёки ўзгармаган ҳолда чиқарилади.

#### **Аскорбин кислотаси**

##### ***Сўрилиши ва тақсимланиши***

Ошқозон-ичак трактидан яхши сўрилади, плазма оқсиллари билан боғланиш 25% ни ташкил қиласи. Тананинг тўқималарида тарқалиш кенг.

#### ***Метаболизм***

У жигарда метаболланади, сийдик билан оксалат шаклида чиқарилади ва ўзгармайди.

#### ***Чиқарилиши***

Ортиқча миқдорда олинган аскорбин кислотаси сийдик билан ўзгармаган ҳолда тезда чиқарилади.

### ***Қўллаш учун кўрсатмалар***

Юқори тана ҳарорати, титрок, тананинг зирқираб оғриши, бош ва мушаклардаги оғрик, тумов, буруннинг битиши, аксириш билан кечувчи юқумли-яллиғланиши касалликлар (ҮРК, ЎРВИ, шу жумладан грипп) ни белгиларга қараб (симптоматик) давоси.

### ***Тўғри қўллаш ҳақида маълумот***

#### **Қўллаш усули ва дозалари**

*Ҳар доим Риномакс® Хот сизнинг даволовчи шифокорингиз тавсияларига аниқ амал қилган ҳолда қўлланг. Агар Сиз нимададир иккилассангиз, ўзингизнинг шифокорингиз ёки фармацевтингиздан сўранг.*

Бир пакетнинг таркиби 1 стакан (250 мл) иссиқ, лекин кайнамаётган, сувда эритилади. Иссиқ ҳолда ичилади. Такрорий дозани ҳар 4-6 соат ичида қабул қилиш мумкун (24 соат ичида 3-4 дозадан кўп ичиш бўлмайди). Катталар ва 12 ёшдан ошган болалар грипп ва шамоллашдан Риномакс® Хотни исталган вақтида қўллаш мумкин, аммо энг яхши таъсир препаратни ётишдан олдин, кечаси қабул қилиш орқали амалга оширилади. Агар препаратни қабул қилиш бошланганидан кейин 3 кун ичида симптомларни бартараф этиш бўлмаса, шифокор билан маслаҳатлашиш керак. Беморлар 5 кундан ортиқ вақт давомида Риномакс® Хотни қабул қилмасликлари керак. Келтирилган дозадан оширманг.

#### **Популяцияларнинг маҳсус гуруҳлари**

*Жигар етишмовчилиги:* жигар функцияси бузилган ёки Жилбер синдроми бўлган bemorlar дозани Буйрак етишмовчилиги: ўткир буйрак етишмовчилиги (креатинин клиренси < 10 мл/мин) мавжуд бўлганда, препаратнинг дозалари орасидаги интервал камидаги 8 соат бўлиши керак.

*Кекса bemorlar:* кекса bemorларда дозани созлашнинг ҳожати йўқ.

#### **Ножўя таъсирлари**

*Ҳар қандай дори воситаси каби, Риномакс® Хот ҳам, ҳар бир истеъмолчида кузатилмаса-да, ножўя таъсирлар чақириши мумкин.*

Куйида келтирилган ножўя таъсирлар Меъёрий-хукукий фаолият бўйича тиббий лугат таснифи БССТ га мувофиқ тизим-аъзоли синфларга бўлинган. Ножўя таъсирлар учраш сонини белгилаш учун БССТ нинг таснифидан фойдаланилган: жуда кўп ( $\geq 10\%$ ), кўп ( $\geq 1\% - < 10\%$ ), кўп эмас ( $\geq 0,1\% - < 1\%$ ), кам ( $\geq 0,01\% - < 0,1\%$ ), жуда кам ( $< 0,01\%$ ), учраш сони номаълум (мавжуд бўлган маълумотларга кўра ножўя таъсир учраш сонини аниқлашнинг имкони йўқ).

Тавсия қилинган дозаларда препарат яхши қабул қилинади.

#### **Парацетамол таъсири билан асосланган ножўя таъсирлар**

Парацетамол ножўя таъсирларни кам чакиради. Айрим ҳолатларда куйидаги ножўя таъсирлар ривожланиши эҳтимоли бор:

- иммун тизими томонидан: жуда кам – анафилактик шок, ўта сезувчанлик реакциялари, ангионевротик шиш, Стивенс-Джонсон синдроми;
- тери ва тери ости тўқималари томонидан: жуда кам – терига тошма тошиши, эшакеми;
- қон ва лимфатик тизим томонидан: жуда кам – тромбоцитопения, лейкопения, агранулоцитоз;
- нафас тизими, кўкрак қафаси ва тўши аъзолари томонидан: жуда кам – ацетилсалациил кислотаси ва бошқа ностероид яллиғланишга қарши воситалар (НЯҚВ) га нисбатан сезувчанлиги юқори бўлган bemorларда бронхоспазм;
- жигар, ўт чиқарии ўйлари томонидан: жуда кам – жигар фаолиятининг бузилиши. Узоқ муддат тавсия қилинган дозадан кўпроғи қабул қилинишида гепатотоксик ва нефротоксик таъсирлар кузатилиши мумкин.

#### **Фенилэфрин таъсири билан асосланган ножўя таъсирлар**

Айрим ҳолатларда куйидаги ножўя таъсирлар ривожланиши эҳтимоли бор:

- асад тизими томонидан: кўп – бош оғриғи, бошнинг айланиши, уйқусизлик;

- *руҳиятнинг бузилишилари*: кўп – юқори қўзғалувчанлик; жуда кам – жиззакилик, асабий зўриқиши;
- *юрак ва томирлар томонидан*: кўп – артериал босимнинг ошиши; кам – тахикардия, юрак уришини ҳис қилиши;
- *меъда-ичак йўли томонидан*: кўп – кўнгил айниши, қусиш;
- *кўриши аъзоси томонидан*: кам – мидриаз, кўпинча ёпик бурчакли глаукомага чалинган беморларда глаукоманинг ўткир хуружи;
- *тери ва тери ости тўқималар томонидан*: кам – аллергик реакциялар (терига тошма тошиши, эшакеми, аллергик дерматит);
- *буйраклар ва сийдик чиқарииш йўллари томонидан*: кам – дизурия, простата бези гипертрофиясида сийдик қопининг чиқарув тешиги обструкцияга учраган беморларда сийдик тутилиши.

#### ***Хлорфенирамин таъсири билан асосланган ножўя таъсирлар***

- *руҳиятнинг бузилиши*: кам – руҳий-ҳаракат реакциялари тезлигининг пасайиши, чарчоқлик ҳисси; уйқучанлик; алоҳида ҳолатларда, айниқса болаларда юқори дозалар қабул қилинишида безовталаниш, қўзғалувчанлик, галлюцинациялар, эс-хушнинг чалкашиши;
- *меъда-ичак йўли томонидан*: кам – диспептик белгилар; оғизнинг қуриши;
- *юрак ва томирлар томонидан*: кам – тахикардия;
- *тери ва тери ости тўқималар томонидан*: кам – аллергик реакциялар (терига тошма тошиши, эшакеми, аллергик дерматит);
- *кўриши аъзоси томонидан*: кам – ёпик бурчакли глаукомага чалинган беморларда кўз ички босимининг ошиши;
- *буйрак ва сийдик чиқарииш йўллари томонидан*: кам – простата бези гипертрофияси мавжуд bemorларда сийдик тутилиши.

#### ***Аскорбин кислота таъсиридан келиб чиқадиган ножўя таъсирлар***

Ножўя таъсирларни частотаси аниқланмаган. Айрим ҳолатларда қуидаги ножўя таъсирлар ривожланиши эҳтимоли бор

- *тери ва тери ости тўқималаридан*: терига тошмаси, терининг гиперемияси.
- *меъда-ичак йўли томонидан*: меъда-ичак йўли шиллик қаватининг тирнаш хусусияти;
- *қон ва лимфатик тизим томонидан*: тромбоцитоз, гиперпротромбинемия, эритропения, нейтрофил лейкоцитоз, гипокалиемия.

Аскорбин кислотани кунига 600 мг дан ортиқ қабул қилишда ўртача поллакиурия мумкин. Препаратни қабул қилишни тўхтатинг ва дарҳол шифокорингизга мурожаат қилинг, агар:

- аллергик реакциялар борса: терининг қичиши ёки терининг қизариши, нафас олиш кийинлишуви ёки лабларнинг шишиши, тил, томоқ ёки юз;
- терига тошма ёки пўст ташлаш, оғиз мукозасида яралар пайдо бўлиши;
- сизда кўкаришлар ёки қон кетиш бор;
- кўз нурини йўқотмоқдасиз. Бу кўз ичи босимининг ошиши оқибати бўлиши мумкин. Жуда камдан-кам ҳолларда, лекин, эҳтимол, бу ён таъсир глаукома билан оғриган беморларда кузатилади;
- сиз кучли юрак уришини ҳис қиляпсизми ёки частотанинг кўпайишини ёки юрак ритмининг бузилишини ҳис қиляпсизми;
- сиз сийиш қийинчиликларга дуч келяпсизми. Кўпинча бу ён таъсир простата гипертрофияси бўлган bemorларда кузатилади.

Агар сиз илгари ацетилсалацил кислотаси ёки стероид бўлмаган яллигланишга қарши дориларни қабул қилишда нафас олиш касалликларини бошдан кечирган бўлсангиз, препаратни қабул қилманг.

*Агар Сизда уибу йўриқнома-киритмада таърифланмаган ҳар қандай бошқа ножўя таъсирлар қайд этилса, илтимос, Ўзингизнинг шифокорингиз, ишлаб чиқарувчига ёки фармацевтингизга хабар беринг.*

## *Дорини қўллашдан олдин керак бўлган маълумот*

### **Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

- жигар ва/ёки буйраклар фаолиятининг ифодаланган бузилишлари;
- гипертиреоидизм (тиреотоксикоз);
- юрак касалликлари (аорта бошланғич қисмининг ифодаланган стенози);
- ўткир миокард инфаркти;
- тахиаритмиялар; артериал гипертензия;
- портал гипертензия;
- учциклик антидепрессантлар, бета-адреноблокаторлар, МАО ингибиторларини (шу жумладан улар бекор қилинганига 14 кун бўлганига қадар) биргалиқда қабул қилиш;
- парацетамол тутувчи бошқа дорилар, грипп ва шамоллаш белгиларини енгиллаштириш учун мўлжалланган, ҳамда бурун битишига қарши дорилар билан биргалиқда қўллаш;
- простата безининг гиперплазияси;
- ёпиқ бурчакли глаукома;
- 12 ёшгача бўлган болалар; дорини таркибий қисмларига нисбатан сезувчанликнинг ошиши.

Глюкоза-6-фосфатдегидрогеназанинг наслий йўқлиги, яхши сифатли дегидрогеназлар, хушсифат гипербилирубинемиялар, буйрак ёки жигар етишмовчилиги, қандли диабет, ва глюкоза сўрилиш мерос бузилиши (препарат таркибида сахароза - 3,74 г), ҳомиладорлик ва лактация даврида (емизиш), кекса ёшли беморларда препаратни **эҳтиёткорлик билан** қўллаш керак.

*Агар сизда ушибу касалликлардан бири бўлса, препаратни қабул қилишдан олдин, албатта, шифокор билан маслаҳатлашинг.*

### **Дориларнинг ўзаро таъсири**

*Агар Сиз бошқа дори воситаларини ичаётган бўлсангиз ёки бироз олдин ичган бўлсангиз, улар рецептсиз бериладиган бўлса ҳам, илтимос, ўзингизнинг шифокорингиз ёки фармацевтивингизга бу ҳақида хабар беринг.*

### **Билвосита антикоагулянтлар**

**Парацетамолни** узоқ вақт қабул қилинишида билвосита антикоагулянтлар (варфарин ва бошқа кумаринлар) таъсирининг кучайиши рўй беради, бу эса қон кетишлар хавфини оширади. Препаратнинг бир марталик дозасини эпизодик қабули билвосита антикоагулянтлар самарасига аҳамиятли таъсир кўрсатмайди.

### **MAO ферментларининг индукторлари**

Жигардаги микросомал оксидланиш ферментлари индукторлари (барбитуратлар, дифенин, карбамазепин, рифамицин, зидовуддин, фенитоин, этанол, флумецинол, фенилбутазон ва учциклик антидепрессантлар) дозанинг ошириб юборилиши ҳолатларида ва парацетамол билан биргалиқда қабул қилинишида гепатотоксик таъсир хавфини оширади.

### **Диуретиклар, урикозурик препаратлар**

Парацетамол диуретиклар ва урикозурик дорилар самарадорлигини камайтиради.

### **Циметидин**

Микросомал оксидланиш ингибиторлари (циметидин) гепатотоксик таъсир хавфини пасайтиради.

### **МАО ингибиторлари, седатив препаратлари,этанол**

Парацетамол МАО ингибиторлари, тинчлантирувчи дорилар, этанолнинг таъсирларини кучайтиради.

Метоклопрамид ва домперидон парацетамол сўрилишини тезлаштиради, колестирамин эса секинлаштиради.

**Фенилэфриннинг** МАО ингибиторлари билан бирга қўлланилиши артериал босимнинг кўтарилишига олиб келиши мумкин.

***Бета-адреноблокаторлар ва бошқа гипотензив дорилар***

Фенилэфрин бета-адреноблокаторлар ва бошқа гипотензив дориларнинг самарадорлигини пасайтиради, гипертензия ва юрак-томир тизими томонидан бузилишлар ривожланиш хавфини оширади.

***Учциклик антидепрессантлар***

Фенилэфриннинг симпатомиметик таъсирини кучайтиради.

***Галотан***

Фенилэфрин гуанетидиннинг гипотензив таъсирини камайтиради, у, ўз навбатида, фенилэфриннинг алфа-адренорецепторларни рағбатлантирувчи фаоллигини кучайтиради.

*Антидепрессантлар, паркинсонизмга қарши воситалар, антипсихотик воситалар, фенотиазин ҳосилалари*

Сийдик тутилиши, оғизнинг қуриши, ич қотиши ривожланиш хавфини оширади.

***Глюкокортикостероидлар***

Фенилэфрин билан биргалиқда қўлланилиши глаукома ривожланиш хавфини оширади.

***Дигоксин ва бошқа юрак гликозидлар***

Дигоксин ва бошқа юрак гликозидлар қўлланилиши юрак маромининг бузилиши ва юрак хуружи ривожланиш хавфини оширади.

***Симпатомиметик аминлар***

Фенилэфринни симпатомиметик аминлар билан биргалиқда қўлланилиши юрак-томир тизими томонидан ножўя таъсирлар ривожланиш хавфини ошириши мумкин.

*Хлорфенирамин* дori воситаларининг таъсирини кучайтиради, МАТни тушкунликка тушириш (уйқу таблеткалари, анестетиклар, МАО ингибиторлари, учциклик антидепрессантлар, наркотик анальгетиклар, ва шунингдек спиртли ичимликлар) атропиннинг антихолинергик таъсирини кучайтиради, спазмолитиклар, антипаркинсоний дорилар. У антикоагулянтларнинг таъсирини бостириши ва прогестерон, ресерпин, тиазидли диуретиклар билан ўзаро таъсир қилиши мумкин.

***Контрацептивлар***

Контрацептивларни бир вақтда қўллаш препаратурнинг антигистамин компонентининг самарадорлигини пасайишига олиб келиши мумкин.

***Мапротилин (квадросикилк антидепрессант) ва бошқа антихолинергик дорилар***

Бир вақтнинг ўзида фойдаланиш билан ушбу дорилар ёки хлорфенираминнинг антихолинергик таъсири кучайиши мумкин.

*Аскорбин кислотаси* салицилатлар ва қисқа таъсир қилувчи сулфаниламидларни даволашда кристаллурия хавфини оширади, буйраклар томонидан кислоталарнинг чиқарилишини секинлаштиради, ишқорий реакцияга эга бўлган дориларнинг (шу жумладан алкалоидларнинг) чиқарилишини оширади, кон ичидаги оғиз контрацептивлари концентрациясини пасайтиради.

***Махсус кўрсатмалар******Препаратни фақат тавсия қилинган дозаларда қабул қилиши керак!***

Препаратни парацетамол тутувчи бошқа дорилар, хамда бошқа нонаркотик оғриқни қолдирувчи дорилар, НЯҚВ (натрий метамизоли, ацетилсалацил кислотаси, ибупрофен ва бошк.), шамоллаш белгиларини бартараф қилиш учун дорилар, деконгестантлар каби симпатомиметиклар; иштаҳани бошқарувчи дорилар, амфетаминга ўхшаш психостимуляторлар, барбитуратлар, эпилепсияга қарши дori воситалари, рифамицин, хлорамфеникол билан биргалиқда қўллаш тавсия этилмайди.

Жигарнинг токсик шикастланишига йўл қўймаслик учун препаратни спиртли ичимликларни истеъмол қилиш билан бирлаштираслик керак.

Риномакс® Хот препарат қандли диабет билан касалланган беморлар борлигини ҳисобга олиш керак, ҳар бир пакетчада 20 г шакар борлигини ҳисобга олиш керак. Бундай ноёб ирсий муаммолари бўлган беморлар, фруктоза муросасизлиги, глюкоза-галактоза

малабсорбсияси ёки сахароза/изомалтаза етишмовчилиги препаратни қабул қилмагани макул.

Препаратни шикастланган пакетлардан ишлатманг.

Беморлар шифокор билан маслаҳатлашишлари керак, агар:

- бронхиал астма, амфизем ёки сурункали бронхит мавжуд;
- симптомлар 5 кун давомида йўқолмайди ёки 3 кун давом этадиган кучли иситма, тошма ёки доимий бош оғриғи билан бирга келади;

Конда сийдик кислотаси ва глюкоза даражасини аниклашга каратилган таҳдиллар утказилаётганда шифокорга шамоллаш ва гриппга карши Риномакс® Хот препаратни қабул килаётганингиз хакида айтинг, чунки ушбу дори воситаси глюкоза ва сийдик кислотаси микдорини баҳоловчи лаборатор текширув натижаларини узгартириши мумкин.

Риномакс® Хот препаратни қабул килишдан олдин шифокорга куйидаги препаратлар қабул цилиши туғрисида хабар беринг:

- қонни суюлтириш мақсадида варфарин ёки бошқа билвосита антикоагулянтлар;
- артериал босимни назорат қилувчи дорилар, масалан, бета-адреноблокаторлар;
- юрак етишмовчилигини даволаш учун дигоксин ёки бошқа юрак гликозидлари;
- иштаҳани камайтирувчи дорилар ёки психостимуляторлар;
- депрессияни даволаш учун дорилар (учциклик антидепрессантлар - амитриптилин);
- метоклопрамид, домперидон (қўнгил айниши ва қусиши бартараф этиш учун қўлланилувчи) ёки қонда холестерин микдорини камайтириш учун қўлланиладиган колестирамин;
- натрийни кам истеъмол қилинишини тақозо қилувчи парҳезга риоя қилиш зарурати мавжудлиги (ҳар бир пакетча 0,21 г натрийни сақлайди).

### ***Буйрак ва жигар функцияларининг бузилишиларида қўллаш***

Жигарнинг токсик заарланишини олдини олиш учун препаратни этанол тутувчи дорилар билан биргалиқда қўллаш мумкин эмас.

Жигар ва/ёки буйрак функцияларининг ифодаланган бузилишилари мавжуд bemорларда препаратни қўллаш мумкин эмас.

Буйрак ёки жигар етишмовчилиги кузатилаётган bemорларда дорини эҳтиёткорлик билан қўллаш керак.

### ***Кекса bemорларда қўлланилиши***

Кекса ёшдаги пациентларда эҳтиёткорлик билан қўллаш керак.

### ***Педиатрияда қўлланилиши***

12 ёшгача бўлган болаларда қўллаш мумкин эмас.

### ***Ҳомиладорлик ва эмизиш даврида қўлланилиши***

Агар Сиз Риномакс® Хот препаратни қабул қилаётган вақтда ҳомиладор эканлигинизни билиб қолсангиз, бу ҳақда зудлик билан Ўз шифокорингизга хабар беринг, факат у даволашини давом эттиришини ҳал қиласди.

Риномакс® Хотни ҳомиладорлик ва эмизиш даврида қўллаш мумкин эмас. Фенилэфрин кўкрак сутига кира олади.

### ***Автомобилни ёки бошқа механизмларни бошқариши қобилиятига таъсири***

Риномакс® Хот Эффект уйқучанлик чақириши мумкин, шунинг учун у билан даволаниш вақтида эътибор жамлашни ва юқори тезликдаги руҳий-ҳаракат реакцияларини талаб этувчи фаолият турлари билан шуғулланиш ва транспорт воситаларни бошқариш тавсия этилмайди.

### ***Дозани ошириб юборилиши***

*Сизга буюрилган дозадан юқорироқ доза қабул қилинганида дарҳол шифокорга мурожсаат қилинг!*

Дозанинг ошириб юборилишига гумон қилинганда, bemornинг аҳволи яхши бўлса ҳам, дори қабулини тўхтатиб, зудлик билан шифокорга ёрдам сўраб мурожсаат қилиш керак, чунки муддати кейинга қолдирилган жигарнинг жиддий шикастланиши хавфи мавжуд.

*Белгилари (парацетамол билан асосланган).* Йигирма тўрт соат мобайнида: терининг рангпарлиги, иштаҳанинг пасайиши, кўнгил айниши, қусиш, қориндаги оғриқ аниқланиши мумкин. Жигар функциясининг бузилиши 12-48 соатдан кейин пайдо бўлиши мумкин. Глюкоза метаболизмининг бузилиши ва метаболик ацидоз белгилари пайдо бўлиши мумкин. Катталарда токсик таъсири 10 г парацетамолнинг бир маротабали қабулидан кейин кузатилиши мумкин. Бунда жигар ферментлари фаоллигининг ошиши, жигар заарланишининг клиник манзараси 1-6 кундан кейин намёён бўлиши қайд этилади. Оғир заҳарланиш ҳолатида жигар энцефалопатияси, кома ва ўлимгача етиб борадиган оғир жигар етишмовчилиги ривожланиши мумкин. Бел соҳасидаги кучли оғриқ бўйича ташхисланадиган буйрак найчаларининг ўткир некрози билан ўткир буйрак етишмовчилиги жигар функциясининг оғир бузилиши рўй бермасдан ҳам пайдо бўлиши мумкин. Парацетамолнинг дозаси ошириб юборилганда юрак аритмиялари ва панкреатит ривожланганлиги хақида маълумотлар бор.

Заҳарланишининг эрта даврида белгилар мажмуаси фақат кўнгил айниши ва қусиш билангина чегараланиши мумкин, ҳамда дозани ошириб юборилганлиги ёки ички аъзолар заарланишининг даражасини акс эттирмаслиги мумкин.

*Давоси:* тахмин қилинаётган дозани ошириб юборилганлигидан кейинги биринчи соат давомида ичга фаоллаштирилган кўмир тайнинланиши мақсадга мувофиқдир. Тахмин қилинаётган дозани ошириб юборилишидан кейинги 4 соатдан кўпроқ муддат ўтгач, парацетамолнинг плазмадаги микдорини аниқлаш керак (парацетамол микдорини эртароқ муддатларда аниқланиши ишончли бўлмаслиги мумкин). Ацетилцистеин билан даволаш парацетамол қабулидан кейин 24 соатгача ўтгунга қадар ўтказилиши керак, лекин максимал гепатопротекторлик самара доза ошириб юборилишидан кейинги 8 соат мобайнида олинниши мумкин.

Бундан кейин зидди-заҳарнинг самарадорлиги кескин камаяди. Зарурат бўлганида ацетилцистеин вена ичига ҳам юборилиши мумкин. Қусиш безовта қилмаётганда агар тезкор стационар ёрдамни олиш имконияти бўлмаса, метионинни ичга қабул қилиниши муқобил вариант бўлиб, ҳисобланади.

Жигар функциясининг оғир бузилишлари кузатилаётган беморларни парацетамол қабулидан кейинги 24 соат давомида даволаниши токсикологик марказ ёки ихтисослаштирилган жигар касалликлари бўлими ходимлари билан ҳамкорликда олиб борилиши керак.

*Хлорфенирамин ва фенилэфрин (препаратнинг дозаси ошириб юборилиши ҳолатида хлорфенираминни парасимпатик самараси ва фенилэфринни симпатомиметик самарасининг ўзаро кучайтирилиши хавфи мавжудлиги сабабли дозани ошириб юборилиши белгилари бирлаштирилган).*

*Белгилари:* безовталанишга кейинчалик уйқучанликнинг қўшилиши (айниқса болаларда), кўришнинг бузилишлари, тошма тошиши, кўнгил айниши, қусиш, бош оғриши, кўзгалувчанликнинг ошиши, бош айланиши, уйқусизлик, кон айланишининг бузилишлари, кома, тиришишлар, хулқнинг ўзгариши, АБ нинг кўтарилиши ва брадикардия. Хлорфенираминнинг дозаси ошириб юборилганда атропинсимон психоз ривожланганлиги хақида хабар берилган.

*Давоси:* маҳсус зидди-заҳар йўқ. Фаоллаштирилган кўмир, тузли сургилар тайнинланишини, ҳамда юрак ва нафас функцияларини ушлаб туришга каратилган чораларни кўришни ўз ичига олувчи оддий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш керак. Тиришишлар ривожланиш хавфи пайдо бўлиши сабабли психостимуляторлар (метилфенидат) ни тайнинламаслик зарур. Артериал гипотензияда вазопрессор дориларни кўллаш мумкин.

АБ ошиши ҳолларида вена ичига алфа-адреноблокаторларни киритиш керак, чунки фенилэфрин  $\alpha_1$ -адренорецепторларнинг селектив агонисти ҳисобланади. Демак, дозани оширилиб юборилишида гипотензив таъсирини  $\alpha_1$ -адренорецепторларни блоклаш ҳисобига даволаш керак. Тиришишлар ривожланганда диазепамни киритиш лозим.

### **Чиқарилиш шакли**

Ичга қабул қилишга лимон ёки апелсин, ёки қора қорағат таъмли эритма тайёрлаш учун пакетчаларга қадоқланган 22 г ли кукун. Картон ўрамга қўллаш бўйича йўриқнома билан биргалиқда 6, 15 та пакетча жойлаштирилган.

### **Сақлаш шароити**

Куруқ, ёруғликдан ҳимояланган 25<sup>0</sup>C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлаш керак. Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

### **Яроқлилик муддати**

3 йил.

Яроқлилик муддати тугагандан кейин қўлланилмасин.

### **Дорихоналардан бериш тартиби**

Шифокорнинг рецептисиз.

### **Ишлаб чиқарувчи:**

«NIKA PHARM» МЧЖ,

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Сайрам 7 тор кўчаси 48А.

Тел: + 998 78 150 86 68; факс: + 998 78 150 84 48.

[www.nikapharm.uz](http://www.nikapharm.uz)